

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ички аудит хизматининг
2025 йил I ярим йиллик фаолияти натижалари бўйича
ҲИСОБОТИ**

1. Умумий маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида Ички аудит хизмати алоҳида тузилма шаклида Вазирга ҳисобдор этиб белгиланган. Бўлим эмас 1 донга бош мутахассис шаклида очилган. Вазирлик тизим ташкилотлари 301 тани ташкил этади ва 5 та Ички аудит ходимлари ишлаб келмоқда (Автомобил йўллари қўмитасида 3 та, Транспорт Университетида 1 та, Марказий аппаратда 1 та). Ушбу ишловчи ходимларнинг 3 таси сертификатланган, 2 та ходим сертификат олмаган (автомобил йўллари қўмитаси 2 та).

2. Ички аудит йиллик режасида тасдиқланган ички аудит тадбирларининг ҳисобот даврида режалаштирилган қисмининг бажарилиши ҳолати.

2025 йил июль ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ички аудит хизматининг йиллик иш режасига асосан вазирликнинг марказий аппарати, тизим ташкилотлари ҳамда Тошкент вилоят ва Сирдарё вилоят транспорт бошқармаларида назорат тадбирлари ўтказилган. Тошкент вилоят транспорт бошқармасида молиявий фаолияти ўрганилганда бюджет маблағлари ҳисобидан **42,4 млн сўм** Сирдарё вилоят транспорт бошқармасида **6,4 млн сўм** моддий рағбатлантириш маблағлари ортиқча берилганлиги аниқланган.

Ҳисобот даврида йиллик режа тўлиқ бажарилган, режадан ташқари профилактик тадбирлар ўтказилган бўлиб 32 млн сўм миқдоридан чет эл хизмат сафари борган ходимларга ортиқча пул маблағлари берилганлиги аниқланган. Ҳозирги кунда ушбу камчиликлар бартараф этиши чоралари кўрилмоқда. Биринчи чорак якунлари бўйича 1,3 млрд сўм маблағ мақбуллаштириши учун вазирга маълумот сифатида киритилган.

3. Ҳисобот даврида ўтказилиши режалаштирилган, лекин амалга оширилмаган ички аудит тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар.

Ҳисобот даврида ўтказилиши режалаштирилган барча назорат тадбирлари ўтказилган.

4. Ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар.

Ички аудит тадбирларида берилган таклиф ва тавсиялар берилган бўлиб ҳозирда амалга ошириши чоралари кўрилган..

Ходимларга ортиқча берилган бюджет маблағларини қайтариши чораларини кўриши.

5. Ҳисоб палатасининг “Масофавий назорат” ААТ орқали келиб тушган хавф таҳлиллари.

Ҳисоб палатасининг “Масофавий назорат” ААТ орқали келиб тушган 1244 та хавф таҳлиллари келиб тушган бўлиб шундан, 332 та хавф таҳлиллари ўз тасдиғини топганлиги аниқланди.

6. Ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш (баҳолаш) ва ошириш бўйича амалга оширилган ишлар.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ички аудити томонидан 9 та таклифлар берилган бўлиб вазирлик ички аудити томонидан барча таклифлар бўйича ишлар олиб борилган..

7. Давлат органи ва ташкилоти тизимидаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ва ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид хужжатларнинг мониторинги юзасидан амалга оширилган ишлар.

Нazorat ишлари амалга оширилмаган.

8. Аниқланган тизимли камчиликлар, хавфлар ва уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар (таклиф ва тавсиялар).

Таклифи: Ички аудит хизмати ходимлари томонидан аниқланган хато камчиликларнинг қанчадир фоизини мукофот тарзида бериш.

9. Давлат органи ва ташкилоти фаолиятида бюджет интизомини мустаҳкамлаш, хавфларни профилактика қилиш ҳамда бюджет харажатлари натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.

Таклифлар мавжуд эмас

10. Ички аудит хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар.

Таклифлар мавжуд эмас

11. Ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари.

Ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари 95 фоизни ташкил этмоқда.

Н. Ўлғинев
Ички аудит хизмати раҳбари
(ФИО)

(имзо)

23.07.2023
(кун, ой, йил)

Изоҳ. Ҳисобот ички аудит хизмати томонидан ҳар бир қисм бўйича баён этилади. Агар ички аудит хизмати фаолиятида бирорта қисми бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаса, мазкур қисмда «тегишли маълумотлар мавжуд эмас» ёзуви билан кўрсатилади. Ҳисоботнинг ҳажми бўйича чегара мавжуд эмас.

Ҳисоботга тегишли жадваллар илова қилинади.

Шунингдек, ички аудит хизмати томонидан ҳисоботга давлат органи ва ташкилоти ички аудит фаолиятига оид қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.